



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 8 февраль, № 29 (7531)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

БАШАРИЯТГА ДАХЛДОР БЕБАҲО МЕРОС

Алишер Навоий асарлари — улкан хазина. Улар асрлар ўтса ҳам ўз долзарблигини, аҳамиятини йўқотмайди. Аксинча, ҳозирги замон саволларига ҳам улардан жавоб топиш мумкин.

Навоий шеърляти, асарларининг қудрати ва фазилати шундаки, уларда инсон табиатининг мураккаблиги, унинг ҳаёт йўли, зиддият, тўқнашувларга тўлаллиги, қисмат ҳар бир кишини кутилмаган кўйларга солиши хусусида сўз юритилади. Улардаги қахрамонлар худди тирик каби кўринади. Уларнинг қувончи, ташвиши ва изтироби, ўйлари бизга ён-беримиздаги одамларнинг аҳволи, ҳолатидан кўра кўпроқ таъсир этади. Асрлар оша яшаб келаётган асарларнинг бу каби хусусиятлари сўзнинг илоҳийлиги, унутилмаслиги, сўзлар ҳамиша аура, яъни макон, муҳитини ҳосил қилиши, кишилар барча замонда ҳам сўзлар муҳитида туриб ҳаракат қилишини билдиради.



Ҳосан ПАЙДОЕВ
олгон сурат.

Янги Ўзбекистон — янги парламент

ДЕПУТАТ: ҳаёт билан юзма-юз

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қарор топган амалиётга мувофиқ, депутатлар халқ билан мулоқот қилиш, сайловчилар ҳузурида учрашиш, одамларни қийнаётган масалаларни ўрганиш мақсадида айни кунларда ҳудудларда бўлиб турибди.

Бу гапги ўрганишлар аввалгиларидан фарқли равишда ўтмоқда. Яъни Қонунчилик палатасининг барча фракциялари, қўмиталари ўз йўналишидан келиб чиқиб, жойларда иш олиб борапти. Мазкур амалиёт ҳар бир соҳани чуқур ўрганиш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга зарур шарт-шароит яратади.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Хусусан, парламент куйи палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари аҳолига амалий ёрдам бериш мақсадида ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишмоқда. Ушбу жараёнда асосий эътибор вилоят ва туманларда эндокрин касаллик билан оғриган беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамга қаратилди.

Жумладан, депутатларнинг бир қисми Андижон шаҳар эндокринология диспансери фаолиятини ўрганди. Аниқланган муаммолар юзасидан маҳаллий ҳокимлик вакиллари маълумотномалар киритилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташаббуси билан Избос-

кан туманида ташкил этилган намунавий поликлиника фаолияти ҳам ўрганилди ва зарур тавсиялар берилди.

Самарқанд шаҳрида депутатлар МДХ мамлакатларида ягона бўлган, Жанубий Корея давлатининг 5 миллион доллар микдоридаги инвестиция маблағлари эвазига барпо этилган, тиббий воситалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонанинг ишга туширилишида қатнашди. Ушбу корхонада юрак қон томирлари учун стендлар ишлаб чиқарилади.

Қўмита аъзолари томонидан Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари фаолияти ҳам изчил ўрганилмоқда.

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Бугунги кунда аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш мақсадида давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тизими изчиллик билан тақомиллаштири-

либ, модернизация қилинмоқда. Президентимизнинг, Ҳукуматнинг қўлаб қарор ва фармойишлари уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўляпти.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ҲАМ ЖОНЛАНАДИГАН ВАҚТИ КЕЛДИ

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида парламент назоратини самарали ташкил этиш вазифасига эътибор қаратар экан, жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ҳамда масъулиятини ошириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Шу асосда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларга чиқиб, маҳаллий Кенгашлар сессияларида иштирок этмоқда. Мазкур тадбирларда 2020 йилдаги устувор вазифалар хусусида сўз юритилиб, маҳаллий Кенгашларда депутатларнинг тизимли ўқувини ҳамда ҳудудларда намунали

туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятини ташкил қилиш, ҳудудий вакиллик органларининг назорат фаолиятини кучайтириш, ижро органлари раҳбарлари ҳисоботини маҳаллий Кенгашларда мунтазам эшитиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, жойларда сенаторлар хонасини ташкил

этиш каби ишларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилляпти.

Шунингдек, жойлардаги барча маҳаллий Кенгашлар депутатлари-га Олий Мажлис Сенати томонидан тайёрланган маҳаллий Кенгаш фаолиятига доир услубий қўлланма тарқатилмоқда.



Хамкорлик

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМЖИҲАТЛИКНИ НАМОЁН ЭТДИ

Юртимизда инсон кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади. Бу азалий ҳақиқат сўнгги йилларда янада кўпроқ рўёбга чиқаёттир. Хусусан, мамлакатимиз ва хориждаги ватандошлар тақдирига дахлдор масалалар бўйича Президентимиз томонидан амалга оширилаётган инсонпарварлик амалиётлари фикримиз тасдиғидир.

2019 йил декабрь ойи ўртасида Хитойнинг Хубэй провинцияси Ухань шаҳрида коронавирус тарқалгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Мамлакатимиз фуқароларининг ушбу мамлакатда бўлиб тургани, шунингдек, Хитойнинг яқин ва ҳамкор давлат экани сабаб Ўзбекистон бу масалага бефарқ бўлмади. Хусусан, фуқароларимизни ҳимоя қилиш ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ чоралар кўрила бошланди.

Ўзбекистоннинг Пекин шаҳридаги элчихонаси ва Шанхай шаҳридаги Бош консулхонаси дастлаб Хубэй провинциясида бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари ҳақида аниқ маълумот тўплашга, зарур ҳолларда уларга кўмак беришга киришди. 2020 йил 26 январь кунини Хитой томони Ухань шаҳри ва Хубэй провинциясининг унга яқин жойлашган бошқа шаҳарларида истиқомат қилувчиларнинг карантин ҳудудидан чиқиб кетишига йўл қўймаслик бўйича чораларни қўйдиригач, элчихонамиз Хитойнинг

расмий идоралари билан ҳамкорликда у ерда бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари профилактикасига қатта эътибор қаратди.

Хитой Халқ Республикаси ҳуку-

мати томонидан кўрилган тезкор ва қатъий чора-тадбирларга қарамасдан мамлакатда юқумли вирусга чалинганлар ва қурбонлар сони ор-тиб борди. Жанубий Корея, Таи-

Эксклюзив интервью

Одамлар ўртасидаги алоқалар эмас, балки вирус изоляция қилиниши керак

Ўзбекистон Хитойда коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазиятни диққат билан кузатиб борапти. Айни пайтда Чин ўлкасида нисбатан содир бўляпти, ушбу мамлакат вирус ва эпидемия оқибатларига қарши қай тарзда кураш олиб бормоқда ҳамда Ўзбекистон билан муносабатларнинг ҳозирги ҳолати қандай? Мухбиримиз ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Цзян Янь билан айнан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Бугун оммавий ахборот воситаларида Хитойдаги вирус ҳақида кўп ёзишяпти, маълум бўлишича, уларнинг ичида сохта хабарлар ҳам бор экан. Айтинг-чи, ҳозир мамлакат қандай яшамокда, ҳукумат коронавирус тарқалишига

қарши курашиш учун қандай чора-тадбирлар қабул қилляпти?

— Хитой профилактика ва янги турдаги коронавирус келтириб чиқарган эпидемиянинг ўчоқлари кенгайиб кетмаслигига қатта аҳамият қаратмоқда.



Семинар

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ЯНГИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, туман ҳамда шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Нарбаева Президентимизнинг жорий йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, янги парламентнинг Ўзбекистонда яшашга кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришга қаратилган мақсад ва вазифалари, шунингдек, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашдаги ролини янада ошириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини тақомиллаштириш юзасидан маърузалари билан чиқиш қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов қайд этганидек, ушбу Мурожаатнома теран сиёсий ва юридик мазмун-моҳиятга эга бўлиб, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги сиёсий йўлидаги муҳим устуворликлар ва вазифаларни белгилаш, парламентнинг мамлакат ҳаётидаги роли ва ўрнини чинакамига оширишда муҳим тарихий ҳамда дастурий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат саналади. Бу йилги Мурожаатноманинг яна бир аҳамиятли жиҳати, унинг кенг қамровлигидир. Унда мамлакат тараққиёт босқичидаги ўтган уч йилдаги ютуқлар, эришилган муваффақиятлар билан бирга, мавжуд муаммоларнинг ечими ҳам айтиб ўтилди. Қолаверса, Олий Мажлисининг беш йиллик фаолияти, депутатларнинг сиёсий билими ва дунёқарашини бойитиш борасида тавсиялар берилди. Парламентнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишини бутунлай янгича ташкил этиш, уни янги мазмун билан бойитиш лозимлиги тўғрисида концептуал фикрлар билдирилди.

Бу йилги Мурожаатномани нафақат юртдошларимиз, кенг жамоатчилик, балки халқаро ҳам-жамият ҳам қатта қизиқиш билан кутганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Шу нуктага назардан, Президентнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасини жаҳон конституциявий амалиётда ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институт сифатида тўла қарор топди, дейиш мумкин.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси Спикери ўз маърузасида Мурожаатномада барча соҳа, ҳу-сусан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш, одил судлов ҳамда судлар мустақиллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тизимлилик билан, аниқ-равшан келтирилганга тўхталиб ўтди. Айни чоғда парламент назоратининг янги шакл ва механизмларини ҳаётга кенг жорий этиш юзасидан билдирилган концептуал фикр ва тақлифлар ижросини таъминлаш ҳаётини зарурат эканини таъкидлади. “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган ғоянинг улғувор мақсадида кўзланган натижалар кенг очиб берилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Нарбаева ўз маърузасида бугунги кунда ижро ҳокимияти ва вакиллик органлари аҳоли муаммоларини ҳал этиш, улар билан узлуксиз мулоқотда бўлиш ва уларни рози қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлишини қайд этди. Шунингдек, Президентимиз томонидан Кенгаш сўрови институтини жорий этиш тақлифи киритилгани ва бу бўйича ҳам қонунчиликка ўзгартиш киритиш юзасидан ишлар бошлаб юборилгани айтиб ўтилди. Сенат Раисининг таълими ва дунёқарашини бойитиш борасида тавсиялар берилди. Парламентнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишини бутунлай янгича ташкил этиш, уни янги мазмун билан бойитиш лозимлиги тўғрисида концептуал фикрлар билдирилди.

Ўқув-семинар давом этмоқда.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»)

чил ишлар олиб борди. Жорий йил 29 январь ҳолатига кўра, Хубэй провинциясида мамлакатимизнинг 81 нафар фуқароси қолгани аниқланди.

Штаб аъзолари нафақат Хубэй провинцияси, балки бутун мамлакат ҳудудидаги Ўзбекистон фуқаролари билан доимий алоқада бўлди. Карантин ҳолати жорий этилмаган жойлардан юртдошларимизнинг Ўзбекистонга қайтишлари кўмаклашиш билан боғлиқ ташкилий ишлар изчил амалга оширилди. Ухань шаҳрида қолган талабаларимиз аҳоли билан боғлиқ вазиятни мунтазам кузатиб бориш, уларга консуллик-ҳуқуқий ва бошқа амалий ёрдам кўрсатишга жиддий эътибор қаратилди. Юртдошларимизда озиқ-овқат, антисептик воситаларга тақчиллик сезилган тақдирда ХХР Ташки ишлар вазирлиги ва Хубэй провинцияси маъмуриятига расмий мурожаатлар воситасида, шунингдек, ҳомийлар кўмағида зарур маҳсулотларнинг зудлик билан етказиб берилиши таъминланди. Қайд этиш керак, давлатимиз томонидан Ўзбекистон фуқаролари саломатлигини ҳимоя қилишда Хитойнинг мутасадди вазирлиги ва идоралари, Хубэй провинцияси маъмурияти яқиндан ёрдам берди.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ҲАМ ЖОНЛНАДИГАН ВАҚТИ КЕЛДИ

 Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ишлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадовев Навоий вилоятининг маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан ёш сайловчилар иштирокida тадбир ўтказди.

Мазкур учрашувда Олий Мажлис Сенатининг вилоятдан сайланган аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда Кармана туманида истиқомат қилаётган ёшларнинг уюшмаган қатлами вакиллари иштирок этди.

— Тадбирнинг мазкур форматда ташкил қилиниши ижро ва вакилик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳудудда аҳоли, жумладан, ёшларни ташвишга солаётган муаммоларга биргаликда ечим топиш, шу асосда чора-тадбирлар белгилашда муҳим аҳамият касб этади, — деди Э. Гадовев. — Шунингдек, вакилик органлари фаолиятида муножаатлар билан ишлашда шаффофлик ҳам таъминланади. Бу каби учрашувлар маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун зиммасидаги вазифаларини белгилаб олишида муҳим омилдир.

Мулукот давомида иштирокчилар томонидан вилоятда янги иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ёшларнинг бизнес режаларига кредит ажратиш, уй-жой ва бошқа бир қатор масалалар бўйича муножаатлари тингланди. Уларнинг самарали ечими бўйича вилоят мутасадди ташкилотлари раҳбарларига аниқ мuddатли топшириқлар берилди. Дастурга эътиб тугиландиган масалаларни маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларида муҳокама қилиб, сессиялар кун тартибига киритиш тавсия этилди.

Улугбек ФАЙЗИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Муножаатномада ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона қўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сийосатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш, "Ўзбекистон ёшлари — 2025 концепцияси"ни

ишлаб чиқиш, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишни амалий чора-тадбирларини тайёрлаш зарурлиги белгиланган эди. Ушбу вазифалар, табиийки, жамиятнинг барча қатламидан ёшларга тобора яқинроқ бўлиш, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлишни тақозо этади. Айниқса, ёшлар муаммолари вакилик органлари эътиборидан четда қолар экан, бу ҳар бир ҳудудда эзлик фойздан ортик масала депутат назаридан ташқарида қолганини аңглатади. Шунинг учун ҳам, жойларда ташкил этаётган мулоқотларимизда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг бу борадаги масъулиятини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини қўяйтириш масалалари афторлича муҳокама қилинди. Депутат ўзининг шахсий назоратига олиши керак бўлган йўналишлар аниқ белгилаб берилди.

Бехзод САВУРОВ,
халқ депутатлари Кармана тумани Кенгаши депутати:

— Янги Ўзбекистон — янги сайловлар руҳидаги 2019 йилги сайловларимиз жамоатчилигининг, том маънода, уйғонганлигини, очиклик, ошкоралик ва демократия тамойиллари мустаҳкамланиб, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онги, маданияти юксалиб бораётганлигини намоён этди. Бинобарин, электорат кенгаи эмас экан, депутат ҳам шунга муносиб бўлиши, у қайси вакилик органида бўлмасин, ўз ваколати доирасида ўша Кенгаш нуфузи ва салоҳиятини таъминламоғи лозим. Бу борада бизга тегишли баҳони, Президентимиз таъкидлаганидек, халқ беради. Учрашувда Муножаатномада мамлакатимиз раҳбари томонидан биз, депутатларга белгилан берилган вазифалар, хусусан, ижро органлари ҳисоботларини тинглаш, депутатлик сўрови натижадорлигига эришиш борасидаги фаолияти бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

МУЛОҚОТДА КЎП МАСАЛАЛАР ОЙДИНЛАШМОҚДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари Самарқанд вилоятининг Ургут туманига ташриф буюришди.

У мамлакатимизнинг аҳоли энг зич жойлашган туманларидан биридир. Худуд аҳлининг катта қисmini ёшлар ташкил этади. Ёш авлоднинг муаммолари ва талабларини ўрганиш жараёнида кўплаб долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар кўриб чиқилади. Шу сабабли халқ билан мулоқот жараёнида Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев, сенаторлар Фарҳод Боқиев ва Фармон Тошев ёшлар билан суҳбатлашиб, туманда улар учун яратилган шарт-шароитлар, ёшларга оид давлат дастурларининг ижросига асосий урғу бердилар.

— Замоनावий ёшлар қонун ижодкорлари олдида аниқ муаммоларни қўя олаётгани, уларни кундалик ҳаётда ташвишга солаётган ўткир масалаларни ҳал қилишга оид амалий ечимларни ҳам тақлиф этаётгани қувонарли ҳол, албатта, — дейди сенатор Фарҳод Боқиев. — Учрашув доирасида ҳудудда ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, сифатли таълим олиш ва тадбиркорлик фаолиятини олиб бориши учун шарт-шароит яратиш масалалари муҳокама қилинди. Маълум бўлишича, ёш ишбилармонлар учун имтиёзли кредитларни ўз вақтида олиш масаласи ҳанузгача долзарбликка эга қолмоқда. Ушбу масала юзасидан ҳар бир муножаат назоратга олинди ва ёш тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар бошланди.

Шунингдек, сенаторларнинг халқ депутатлари Ургут тумани Кенгаши депутатлари билан ўқув-семинар шаклидаги учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда унинг доимий комиссиялари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишлари учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, "Ўзбекистон давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг мақоми тўғрисида"ги қонунлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг регламенти, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши доимий комиссиялари тўғрисидаги низоом ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тўлиқ танишиб чиқишлари мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Мадина БАРАТОВА,
халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг депутати:

— Маҳаллий Кенгашларнинг сенаторлар билан мулоқоти аниқ амалий натижалар билан бойимокда. Масалан, сенаторларнинг фаол ёрдами билан халқ депутатлари замонавий, иктисослаштирилган

иш хоналари, сайловчилар билан учрашиш учун зарур жиҳозлар билан таъминланди. Депутатларнинг иш режалари сенаторлар билан биргаликда, ҳудуд аҳлини қўйибётган маълум бир муаммоларни ҳал қилишни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқилди.

Ургут аҳолиси учун айни вақтда арзон уй-жой билан таъминланиш, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш, спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитлари яхшилаш каби масалалар долзарб бўлиб қолмоқда. Туман аҳолисининг катта қисми доимий рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келаяптир. Сенаторларнинг қўмағи билан ушбу масалаларни ҳал қилиш бўйича аниқ ишлар бошланди.

Сурайё АҲМЕДОВА,
халқ депутатлари Ургут тумани Кенгаши депутати:

— Семинарда маданият ва спортни ривожлантиришга борасидаги қарорларнинг самарали ижро этилиши масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Мазкур вазифаларни бажариш учун инфратузилма билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш керак. Бу ўринда гап умумтаълим мактабларидаги спорт заллари ва кутубхоналар, таълим муассасаларидаги оз сонли ижодий тўғараклар ҳақида бормоқда. Ёш авлоднинг сифатли муносиқ таълим олиши масаласи ҳам алоҳида эътибор талаб қиладиган мавзу, деб ҳисоблаймиз. Ишлаб чиқилган режага мувофиқ, айрим масалалар маҳаллий ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида ҳал этила бошланди. Бирок ҳудудимизда республика вазирлик ва идоралари ваколатига қирадиган муаммолар ҳам мавжуд. Сенаторлар ҳудуддаги ҳар бир масала ёки муаммони ҳал этиш юзасидан республика миқёсида ҳамкорлик қилиниши ҳусусида айтиб ўтилди.

Ринат АБДУЛМАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИККИЛАМЧИ ИЖАРАГА БЕРИШ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан ишчи гуруҳи ййғилиши бўлиб ўтди.

Унда қайд этилганидек, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда иккиламчи ижара бозорига оид норматив-ҳуқуқий база яратилмагани ерларни самарали ишлаб чиқарувчиларга ўтказишга тўқсинлик қилмоқда. Бу, ўз навбатида, турли хил ноқонуний ҳолатлар юзасига келишига замин яратяпти. Амалиётда фермер хўжаликлари экин майдонларини, айниқса, ғалладан бўшаган ер-

ларни такрорий экинлар, хусусан, сабзазовот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига иккиламчи ижарага берилмоқда. Лекин иккиламчи ижара ҳисобидан олинаётган даромад ва етиштирилаётган маҳсулотларнинг аниқ ҳисоб-китоби мавжуд эмас.

Ер участкаларига нисбатан иккиламчи ижара (субижара) амалиёти Озарбайжон, Қозоғистон, Россия Федера-

цияси, Украина, Арманистон, Хитой каби қатор давлатларда бор.

Илгор ҳорийиқ таъриба ҳамда юзага келаятган зарурат чўқур таҳлил қилинган ҳолда, мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Яйловлар тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Ер кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, ушбу ҳужжат қабул қилиниши натижада бир қатор ижобий ўзгаришларга замин яратилади.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш ва бунинг ҳисо-

бидан даромад олиш қонунийлаштирилади.

Иккинчидан, ер майдонлари янада самарали фойдаланувчиларга ўтади, ушбу ерларда етиштирилаётган маҳсулотларнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш имкони яратилади.

Учинчидан, фермер хўжаликлари ҳисоб рақамларида эркин пул маблағлари шаклланади ва маҳсулот етиштириш харажатлари учун айланма маблағга эга бўлади.

Тўртинчидан, қишлоқ аҳолисини шартнома асосида иш билан таъминлаш ва даромад олиш шароити кенгайди.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан қийиб кетган суғори-

ладиган ерлар, лалми ва ўрмон фонди ерлари, яйлов, бўз, кўп йиллик дархаздорларни инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга киритиш имкони юзасига келади.

Олтинчидан, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер участкаларидан мерос қилиб қолдирилаётган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби жорий этилади.

Ишчи қўраги ййғилишида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зийёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

Одамлар ўртасидаги алоқалар эмас, балки вирус изоляция қилиниши керак



Хукумат ва халқ касаллик дахшатларига қарши курашмоқда. ХХР Раиси Си Цзиньин эпидемияга қарши курашиш масалаларини ўрганиш учун икки мартаба ХПК МК Сийсий бюроси Доимий қўмитаси ййғилишини ўтказди ва тегишли вазифаларни амалга ошириш мақсадида Давлат кенгаши Бош вазир Ли Кэцян бошчилигида раҳбарлик қилувчи гуруҳ тузиш топширигини берди.

Хитой ҳукумати эпидемияга қарши курашиш учун кенг қамровли ва қатъий чора-тадбирларни қабул қилди. Уларнинг қўлчиллиги халқаро тиббий-санитария қондалари доирасидан анча ташқарига қийиб кетди ҳам. Қишлоқлардан тортиб мегаполисларгача, барча жойда фавқуллода вазиятларга тезкорлик билан муносабат билдириш механизмлари ишга туширилди. Мамлакатнинг барча ҳудудидан тиббий бригадалар энг кўп беморлар аниқланган Хубэй провинциясига коронавирусга қалчиганларга ёрдам бериш учун юборилляпти. Қўшимча тиббиёт муассасалари қурилмоқда ёки реконструкция қилинмоқда.

Қатъий чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини берапти. Айрим провинцияларда вирусни юқтириш билан боғлиқ янги ҳолатлар қисқаришни бошлади. 7 февраль ҳолатига кўра, 1500 га яқин кишиларга шифохоналардан руҳсат берилган, ўлим даражаси эса тахминан 2,1 фоиз атрофида бўлиб, бу грипп вирус, суллоҳамда, сўнгги йилларда қайд этилган H1N1, Эбола қабилидан вафот этишга нисбатан анча камдир. Қўллаб-даватлар раҳбарлари, хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой томонидан олиб борилаётган самарали чора-тадбирларни юқори баҳолади ва Хитой билан бирдам эканлигини намоён этди. Бунинг учун жуда миннатдоримиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати бош директори Тедрос Адхан Гебрейесус таъкидлаганидек, қўрқувнинг эмас, балки далилларнинг вақти келди. У барчани ваҳимага тушмаслик ва вирус устидан теъда ғалабага эришиш йўлида жипс-лашишга чақирди.

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньинга муножаат этар экан, ушбу онгир дамларда Ўзбекистон халқи сизга елкадош бўлиб, хитойлик дўстларга чин дилдан қайғудош эканини алоҳида таъкидлади. Ушбу сўзлар Хитойда қандай қабул қилинди?

«Дунё» АА.

ДЕПУТАТ: ҳаёт билан юзма-юз



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоларининг иборат ишчи гуруҳ "Электрон ҳукумат" соҳаси амалиётига оид қонуноний норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси самарадорлигини Фаргона вилоятида ўрганимоқда.

Ўрганишлар мобайнида давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг идораларо интеграция қилиниши, аҳолининг, хусусан, юридик ва жисмоний шахсларнинг Давлат хизматлари мар-

казларида кўрсатилаётган давлат хизматлари сифати ҳамда турлари бўйича фикр-мулоҳазаларини тинглаш, уларнинг тақлиф ва талабларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Давлат хизматларини электронлаштириш соҳасидаги қонунчилики янада такомиллаштириш мақсадида зарур таҳлилий маълумотлар ййғилиб, шу асосда тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Бундай ўрганиш ишлари Фаргона вилоятининг Олтиарик, Ёзёнов, Бағдод, Учкўприк туманлари Давлат хизматлари марказларида ҳам давом эттирилади.

ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ишлар қўмитаси аъзоларидан бир гуруҳи Сирдарё вилоятида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида ташкил этилган амалий мулоқот чоғида янги таҳрирда қабул қилинган Солиқ кодексининг мазмун-моҳияти ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Ушбу янгиллик юзасидан солиқ тизимига ўзгаришлар бўйича тадбиркорларга тушунарлар берилди. Тадбиркорларни қизиктирган саволларга жавоб қайтарилди. Улар фаолиятида дуч келаятган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар тайёрланди.

— Қўмитамиз аъзолари томондан бюджет, молия, иқтисодий ва тадбиркорлик соҳаларидаги муаммоларни мамлакатимизнинг барча ҳудуди кесиминда ўрганиш ишлари давом этмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жавлонбек Эргашев. — Амалий ҳаёмидаги молик бу ишлар якунида ўрганилган масалаларни умумлаштириб, қўқур таҳлил қилиб, қўмита, фракция даражасида муҳокама этишни режалаштиряптиз. Соҳадаги тизимли муаммоларни бартараф этиш учун Ҳукуматга тақлифлар тайёрлаймиз, керак бўлса, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш чораларини қўришни мўлжалляяптиз.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ФУҚАРОЛАР ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМЖИХАТЛИКНИ НАМОЁН ЭТДИ



Янги турдаги коронавирус сабаб тарқалган касалликнинг фожиали оқибатлари юзасидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга мактуб йўллади. Унда ушбу ҳолат Ўзбекистонда алоҳида хавотир ва қайғу билан қабул қилингани, умумий хатари бартараф этиш мақсадида зарур кўмак кўрсатишга интилишимизни, Ўзбекистон ҳукумати ушбу касаллик тарқалишига биргаликда қарши курашиш чораларини Хитой билан яқиндан мувофиқлаштиришга тайёр экани билдирилди.

Айни фикрлар тасдиғи Ўзбекистон фуқароларининг ҳамкорлиқда Хитой ҳудудларидан эвакуация қилиниши билан ўз тасдиғини топганини қайд этиш зарур.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 январдаги фармоишига асосан, коронавирус кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси тузилди. Мазкур комиссиянинг 3 февраль куни бўлиб ўтган ййғилишида фуқароларимизни юртимизга қайтариш билан боғлиқ долзарб вазифалар афторлича муҳокама қилинди. Шу тарика Пекин ва Ухандаги Ўзбекистон фуқароларини чартер рейс билан Ўзбекистонга олиб келишга қаришилди. Бортида 250 нафар Ўзбекистон фуқаросига бўрилган "Uzbekistan Airways"га қарашли ҳал самолёт 4 февраль куни Тошкентга етиб келди. Йўловчилар эса махсус тай-



ёрланган тиббиёт муассасаларига жойлаштирилди.

— Мазкур муассасалар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати тавсиялари, халқаро карантин талаблари асосида жиҳозланган, — деди Санитария-эпидемиологик оосийшария агентлиғи директори Баҳром Алматов. — Айни пайтда коронавирус диагностикаси воситаларининг зарур захиралари яратилган, керакли дори ҳамда дезинфекция воситалари, ускуналар, сарфлаш материаллари, шунингдек, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Хитой ҳудудларидан олиб келинган фуқаролар алоҳида назорат остига олиниб, мунтазам тиббий текширувдан ўтказилмоқда, зарур хавфсизлик чоралари қўрилган ва барча хизматлар бепул қўрсатилмоқда.

Хитойдан келган фуқаролар касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида 14 кун давомида қатъий карантинда бўлади.

Ухань карантин ҳудуди, деб эълон қилинган бўлса-да, Ўзбекистон фуқароларини мазкур шаҳардан олиб чиқиш бўйича чоралар қўриш, бир зум бўлса-да, тўхтамади. Ўзбекистон ҳукумати Хитой томони

қўмағида ушбу шаҳардан бортда 84 нафар йўловчи бўлган самолётда чартер рейс ташкил қилди. Қайд этиш керак, бепул асосда амалга оширилган рейсдаги йўловчиларнинг барчаси Ўзбекистон фуқаролари эмас эди. Улар орасида 5 нафар қозоғистонлик ҳам борлиғи халқимизга хос бағрикенглик, одамлилик ифодаси бўлди.

6 февраль куни тонгда коронавируснинг тарқалиши туфайли Ўзбекистон фуқароларини Хитойдан қўчириш жараёни якунланди. Пекиндан парвоз қилган учинчи чартер рейс Тошкентга маҳаллий вақт билан соат 4:40 да келиб қўнди. Самолёт бортида 251 йўловчи, экипаж аъзолари ва замонавий ҳимоя воситалари билан таъминланган тиббиёт вакиллари бор эди.

Хитойдан олиб келинган юртдошларимизнинг ота-оналари, яқинлари мамлакатимиз ташки сиёсат маҳкамасига муножаат қилиб, давлатимиз раҳбарияти ва ушбу жараёнда яқиндан кўмак берган Хитой ҳукуматига ўзларининг самимий миннатдорлигини изҳор қилмоқда.

Р. АЛИШЕРОВ
(«Халқ сўзи») сўхбатлашди.

ТИББИЁТ ИЛМ-ФАН ВА САНЪАТНИ ЎЗИДА УЙЎНЛАШТИРГАН КИТОБ БЎЛСА, қаҳрамонлик унинг мўъжизакор муқовасидир

Буюк Британиянинг прогноллаштириш ва консултация хизматларини кўрсатувчи “Economist Intelligence Unit” компанияси томонидан ҳар йили дунё мамлакатларидаги ҳаёт сифати индекси аниқланади. Унинг методологиясида етакчи ўринда инсон саломатлиги туради. Бундан англашиладики, ҳаёт сифати, аввало, тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларида ҳам соғлиқ ва фаровонлик учинчи устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Акс садо

Мамлакатимизда охириги йилларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини мутлақо яхшилашга бўлган эътибор тубдан ўзгарганининг боиси ҳам шунда. Бинобарин, Президентимиз мазкур соҳани ривожлантириш учун зарур шароитларни яратмоқда, ўтказаятган деярли ҳар бир йиғилиши, қилаётган чиқишида соҳани замон талаблари даражасига келтириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берапти.

Дикқатга сазовор жиҳати, давлат раҳбари жабҳада мавжуд муаммолар ҳақида ҳам рўйирист гапириб, уларни ҳал қилишнинг оқилона йўлларини таклиф этмоқда. Хусу-

сан, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бунга аққол ғувоҳ бўлдик. Юртбошимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотлар қатъият билан давом эттирилишини маълум қилганда, барча соҳа вакиллари бирдек хурсанд бўлди.

Мурожаатномада соҳанинг келажақдаги илгор ва инновацион қиёфасини яратиш учун аниқ “Йўл харитаси” чизиб берилди. Буни ийилнинг номи ҳам англатиб турибди: “2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”. Шунга уйғун равишда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимини ҳам тўлиқ рақамлаштириш, иқтисослаштирилган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳўш, булар нима беради? Биринчи навбатда, аҳоли учун жуда катта қулайликларни яратади, бюрократия камайд, одамларни турли сарсон-саргардончиликлар, асаббузарликлар, узундан-узоқ навбатлардан асраш учун илгор платформа пайдо бўлади, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошади.

Қолаверса, санитария-эпидемиология хизматларини кўрсатишда инкилобий ўзгаришлар ясалади. Бугунги кунда коронавирус билан боғлиқ глобал муаммо пайдо бўлганда, бу, айниқса, жуда долзарбдир.

Биласиз, юртимизда беморларнинг қариндошлари ҳамда яқинлари томонидан шифокорларга жисмоний таъйиқ ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Албатта, бунинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор. Айбдорлар эса ўзига яраша жазоларини олишмоқда.

Мурожаатномада айнан шифокорларнинг

жамиятдаги ўрни ва макомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилиши даркорлигига алоҳида тўхталиб ўтилгани диққатга сазовор. Бу энди оқ либос соҳиб ва соҳибалари зиммасига янада залварли масъулият юклайди.

Аҳолига сифатли фармацевтика маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш, уларнинг нархларини мақбуллаштириш ҳам доим долзарб бўлиб келган. Бинобарин, 2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт бўюмлари билан таъминлашга ўтган йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилиши, 281 тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланиши барчамизни хурсанд қилади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, жорий йилда 17 та иқтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмлари жорий этилади. Бу нимани англатади? Аввало, рақобат, бу эса тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошади, деганидир. Келажақда бундай бошқарув тизимларида ишлайдиган даргоҳлар сони кўпайиб боришига ишончимиз қомил. Бу гапни давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, жабҳага хорижий инвесторларни жалб этишни йўлга қўйиш ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Беморлар, айниқса, аҳоли оғир бўлган инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга далда бўлиш, қўлдан келганча қўллаб-қувватлаш, руҳан ва керак бўлса моддий мадад бериш халқимизга хос эзгу ғазилатдир. Сўнгги йилларда бундай ўчмас ва ўлмас аҳна-ана давлат сиёсатида ҳам намён бўлган. Тиббиётнинг узоқ вақтлар деярли эътибор-

дан четда қолиб кетган тармоқларини оёққа тургазиш, уларни беморларнинг ҳақиқий мададкори, ғамхўрига айлантиришга шахсан Президентнинг ўзи бош-қош бўляпти.

Давлатимиз раҳбари “Гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислоҳ этишнинг вақти келди.

Қон ва вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблагларни кўпайтиришимиз керак”, деганида бунга яна бир бор тўлиқ амин бўлдик.

Соғлиқни сақлаш соҳаси йўналишида жорий йил ва ўрта истиқбол учун белгилаб берилган аниқ вазифалар бизнинг олий ўқув юрти жамоаси зиммасига ҳам қатор вазифалар юклайди. Раҳбардан тортиб, ҳар бир ходимгача ўз устида тинимсиз ишлаши, изланиши, ўқиши, узлуксиз замонавий амалиёт ҳамда назарияларни ўзлаштириб бориши зарур. Ва ўзидаги бор илм ҳамда тажриба-ни талабаларга сингдира олиши шарт. Бунда нафақат замонавий техника ва технологиялар, балки китобдек қудратли куч имкониятларидан ҳам фойдаланиши керак. Зеро, австриялик таниқли шифокор, жамоат арбоби, қатор асарлар муаллифи Гуго Глязер “Тиббиёт илм-фан ва санъатни ўзида уйғунлаштирган китоб бўлса, қаҳрамонлик унинг мўъжизакор муқовасидир”, деган эди. Юртимизда соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор, билдирилаётган катта ишонч эса ана шу сўзларнинг ҳаётда тўлиқ ўз инъикосини топишига хизмат қилади.

Лазиз ТҶҲИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ловларда юртимиз номидан қатнашиш ниятидаман.

Фестиваль доирасида мусиқа ва санъат мактабларининг ширали овоз ҳамда сеҳрли мўйқанлар соҳиблари ташриф буюрганларни ўз ижод намуналари билан таништирди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

Маърифатли ёшлар буюк ишларга қодир



«ТУРОНБАНК»
РАҲБАРИЯТИ
ЁШ КАДРЛАР
БИЛАН ОЧИҚ
МУЛОҚОТ
ЎТКАЗДИ.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасидаги ишларни жадал давом эттиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, “Туронбанк” АТБ томонидан банк тизимида фаолият олиб бораётган ёшларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги билим ва малакаларини янада юксалтириш, шунингдек, иш самарадорлигини ошириб, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид, Ёшлар иттифоқи раиси Алишер Саъдуллаев ҳамда банкнинг пойтахтимиздаги филиаллари ёш ходимлари таклиф этилди.

Учрашувда “Туронбанк” АТБ бошқаруви раиси Чори Мирзаев молия муассасасида ёшларнинг соҳа сирлари ва хорижий тиллар, ахборот технологияларини мукамал ўрганишлари учун барча шарт шартларини таъкидлади.

Бугунги кунда “Туронбанк” тизимида 1 400 нафардан зиёд ходимлар фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, уларнинг 400 нафари ҳали 30 ёшга тўлмаган мутахассислардир. Банкнинг марказий идораси ва унинг филиалларида Ёшлар иттифоқининг Етакчилар кенгаши фаолият юритиб келмоқда. Ўтган йили молия муассасасининг 400 нафарага яқин ёш ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат

бошқаруви академияси, Банк-молия ассоциацияси, Банк-молия академияси ҳамда Минтақавий банк ўқув марказларида малака оширишди. Жорий йилдан бошлаб энг иқтидорли ёшларни халқроқ молия муассасалари ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи банкларида стажировка ўташлари ҳам йўлга қўйилди.

Очиқ мулоқотга таклиф этилган меҳмонлар ўғил-қизларга юксак илм, маърифат эгаси ҳамда ўз соҳасининг етук вакиллари бўлишлари учун улкан муваффақиятлар тилади.

Тадбирда ёшлар ўз таклиф ва истакларини билдиришди.

— Бугунги кун талабига уйғун гоё ва фикрларимиз қўп, — дейди банкнинг Заңгиота филиали бухгалтерия бўлими мутахассиси Достон Вайдуллаев. — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида филиалларимизда қутубхоналар, IT-паркларни ташкил этиш, банк хизматлари сифатини янада ошириш айнаи муудоир. Бундан ташқари, бир қатор илгор мобил иловаларни амалиётга жорий этиш банкимиз имижини ортиси ҳамда миждозлар кўпайишига хизмат қилади.

Учрашув якунида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, банк тизимида “Йилнинг энг яхши ёш ходими” танловини ўтказиш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан фикрлар алмашилди. Ўз гоё ҳамда ташаббуслари билан фаол қатнашган ёшлар рағбатлантирилди.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ХАЛҚ БАНКИ ФЕРМЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ



Чорвачилик қўшлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, истеъмол бозори гўшт ва сут каби кундалик эҳтиёжимиз учун зарур маҳсулотлар билан бойишида, айниқса, унинг ўрни

катта. Шу боис мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, акциядорлик тижорат Халқ банки тармоқ вакиллари лойиҳаларини рўёбга чиқаришга масъул молия муассасаси сифатида белгиланган. Ўз навбатида, банк томонидан чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига яқиндан кўмак берилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтириб юборди.

Қарор ва ижро

компенсация тақдим этиш кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, давлат томонидан чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга маҳаллий насилчилик хўжаликларидан сотиб олинган наслии қорамолнинг ҳар бир бошига 1 миллион сўм, четдан импорт қилинган наслии қорамолнинг ҳар бир бошига 2 миллион сўм, наслии қўй ва эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўм миқдоридида субсидиялар ажратилади. Бундай имкониятлар сифати ва арзон чорвачилик маҳсулотлари етиштирилишида муҳим омил бўлади, албатта.

Чорвачилик учун 3 триллион сўм маблаг йўналтирилади

Юқорида таъкидлаганимиздек, республикаимизда чорвачилик доимий эътиборда. Буни 2019 йилда тижорат банкларининг 1 триллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ҳисобига 865 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан четдан 365 минг бош наслии чорва моли олиб келингани, шунингдек, сутни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда замонавий чорва

комплекслари барпо этишга 110 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилганидан аниқлаш қийин эмас.

Пировардида етиштирилган сут маҳсулотлари 10 миллион 710 минг тоннага, гўшт маҳсулотлари 2 миллион 464 минг тоннага етказилиб, аҳоли жон бошига нисбатан сут маҳсулотлари 315 литрга, тирик вазндаги гўшт маҳсулотлари 70 килограммга етказилди.

— Халқ банки чорвачиликни ривожлантиришга масъул молия муассасаси ҳисобланади, — дейди директор Чорвачиликни кредитлаш бошқармаси бошлиги Абдулла Остонаев. — Банкимизда мазкур йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари, фермерлар билан мустақам алоқа йўлга қўйилган. Уларнинг ҳеч бир лойиҳаси эътиборидан четда қолдирилмайди. Хусусан, жорий йилда чорвачиликни ривожлантириш учун 3 триллион сўм маблаг йўналтирилиши режалаштирилган. Хорижий молия институтларидан эса 200 миллион долларлик кредит линиялари жалб қилиниб, четдан 400 минг бошдан ортиқ наслии чорва моллари олиб келинади.

Шунингдек, замонавий ва инновацион услубларни қўллаган ҳолда, мавжуд ер майдонларидан юқори ҳосил олишни йўлга қўйиш мақсадида АҚШнинг йирик компанияси билан қўшма лойиҳа тайёрланмоқда.



Муаммоларга мулоқотлар орқали ечим топилади

Ўтган йилнинг ноябрь ойида давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган йиғилишда ушбу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар алоҳида тилга олиниб, тегишли топшириқлар берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, Халқ банки томонидан ҳудудларда Андижон вилояти тажрибаси асосида ўзига хос оилавий кооперацияларни ташкил этиш мақсадида ҳар бир оилга беш бошгача қорамоллар етказиб бериш, Қорақалпоғистон Республикаси тажрибаси асосида камиди 30 бош қорамол парвариш қилинадиган оилавий чорва фермаларини ташкил этишга жиддий киришилган. Гўшт ва сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи кўча дўконлар фаолиятини йўлга қўйиш, умуман, тадбиркорлар билан ҳамкорликда 36 миллиард сўмлик 18 та лойиҳани амалга ошириш чоралари қўлланмоқда.

Шу ўринда Андижон тажрибасига тўхталиб ўтсак. Бунда қайта ишловчи қорхоналар хориждан келтирилган наслии қорамолларни яқин атрофдаги хонадонларга тарқатади. Шунингдек, аҳолига уларни қандай парвартириш мутахассислар томонидан тушунтирилади ва у доимий назорат

қилиб борилади. Етиштирилган сутни эса бозор нархида ўзлари сотиб олади. Бу — маҳсулотга харидор нақд, дегани.

Яна бир гап. Ўрганишлардан маълум бўлишича, агар ҳудудда сутни қайта ишловчи қорхоналар мавжуд бўлмаса, аҳоли бир литр сутни таҳминан 2 минг сўмга сотади. Бунда эса бир литр сут камиди 3 минг сўм атрофида қабул қилинади. Ўз-ўзидан аёнки, одамлар кўпроқ даромад кўради. Демак, турмуши яхшиланади, олган кредитини қайтариш имконияти ошади.

Чорвачилик тармоқларини илмий асосда ташкил этиш, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, кадрларни тизимий тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳам муҳим масала. Шу боис Самарқанд ветеринария медицинаси институтини билан ҳамкорлик қилинмоқда. Яъни бу ерда Халқ банкнинг 580 миллион сўмлик ҳомалиги маблағлари ҳисобига 1 минг 200 га яқин осеменаторлар ўқитилиб, жорий йилда яна 3 минг нафарга яқин осеменаторларни ўқитиш кўзда тутилган. — Чорвачилик йўналишида анча тажрибага эга бўлсак-да, бу каби тадбирлар бажариш, фермерларнинг келгуси фаолиятини аскадади, — дейди Наманган вилоятининг Учқорғон туманидаги “Ғуломжон” фермер хўжалиги раҳбари Икромжон Отабоев. — Чўнки унда нафақат фермерларга ушбу йўналишда яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилди, балки юзга келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳам фикрлар алмашилди.

2018 йили Халқ банки томонидан ажратилган кредит эвазига хориждан 160 бош наслии қорамол олиб келган эдик. Энди эса ўзимизда етиштирилган маҳсулотни ўзимиз қайта ишлашни режалаштирганмиз. Шу мақсадда яна Халқ банкидан маблаг олмақчимиз. Умуман олганда, мазкур банк хизматида мамнунизм. Шу боис унинг доимий миҳозимиз.

Ақсарият масалаларга мулоқотлар орқали ечим топилади, келгуси ишларга пойдевор яратилади. Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан ташкил этилган мазкур анжуман шундай янгиликларга бойлиги, ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Юнус БҶҲОНОВ,
Банк ахборот хизмати раҳбари.

Хизматлар лицензияланган.

ФЕСТИВАЛЬ

Пойтахтимизда “Янги Ўзбекистонни ёшлар билан курашимиз” шиори остида ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтмоқда.

Реклама ўрнида

БАШАРИЯТГА ДАХЛДОР БЕБАҲО МЕРОС



Адабиётга эътиборсизлик сўзларга бефарқликка, бу эса, ўз навбатида, умумий лоқайдликка олиб келади. Ахлоқсизликнинг барча кўриниши, бошбошқоқликнинг турли тарзда авжланиши жамиятда ялпи лоқайдлик кайфияти илдири отишдан келиб чиқади. Навоий бугунги кун кишилари фойдаланадиган метрони тасаввур қилмаган, мобил телефони, компютерни ҳаёлига келтирмаган бўлса-да, улар битган асарлар XXI аср кишилари учун ҳам

ҳаёт мураккабликларини идрок этишда, бир-бирини тушуниш, бошқаларга ачиниш, ҳамдард бўлиш ҳисси билан яшашда яқиндан ёрдам беради. Уларда кўпинча тушунлиқ, умидсизлик кайфияти ифодаланса-да, Навоийнинг сўзи ҳар бир кишининг кўнглида эзгу ҳислар уйғотди. Унинг асарлари келгуси замонларда ҳам ўзининг кўзга кўринмас аурасида, Арасту айтганидек, изтироб билан кишилар руҳини поклаб, маънавий муҳитни соғломлаштиради. Шунинг учун миллатларнинг қандай яшаши, инсониятнинг тақдири ҳақида аждодлар қолдирган маънавий меросга муносабатга боғлиқ ҳолда кечеди. Чунки башарият барча замонда ҳам муайян умумий эътиқод — маънавий таянчга асосланади. Алишер Навоий каби улуг алломалар асарлари эса жамиятда умуминсоний қадриятларнинг барқарор бўлиши, кишиларнинг маънавий камолотга эришишига хизмат қилади.

Бугунги компьютер замони, ахборот асрида ҳам Алишер Навоий каби сўз санъати даҳоларининг асарлари барчамиз учун ёнимиздаги одамларни тушуниш, уларнинг қалби, туйғуларини ҳис этишда энг самарали восита, энг ишончли омил бўла олади. Ҳар бир одам санъат ва адабиётнинг асл намуналари ҳосил этган аурага қанча яқин келса, унинг дили шунча равшанлашади, ҳаёт йўли шунча ёруғ бўлади.

Адабиёт аурасидан узоклашиш эса нафақат бир одамни адаштиради, балки бутун жамиятни таназзулга элтади. Чунки бундай пайтда кишилар тушунлиқка тушиб, ёлғизланиб қолади. Бир-бирига бефарқлик одамлар ўртасида ялписига бегоналашишга, турли шаклдаги ахлоқсизликнинг авжланишига олиб келади. Бундан сақланиш ва ҳимояланиш эса бугунги кунда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам долзарб муаммо бўлиб турибди. Инсониятнинг "оммавий маданият" хуружларидан эсон-омон ўтиб олишига ҳазрат Навоий сингари даҳолар ишончли таянч бўла олади.

Башарият тарихидан маълумки, даҳолар ҳар доим туғилавермайди. Икки-уч аср оралиғида беш-олти нафар даҳо дунёга келади. Албатта, истеъдодли инсонлар ҳамма миллатда ҳамиша кўп бўлади. Аммо уларнинг аксарияти вақт ўтиши билан унутилади. Бутун инсониятга даҳлдор даҳоларнинг улуглиги, қудрати замонлар ўтиши билан билинади. Алишер Навоий шундай сиймолар сирасига киради. Уларнинг руҳи, қолдирган мероси нафақат туркий дунё, балки инсоният учун барча замонларда маънавий маёқ бўлиб қолади.

Абдулла УЛУҒОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети доценти.

Ибрат

ЁШ АЛИШЕР БОЛАЛИГИДА ҚАНДАЙ АСАРЛАРНИ МУТОЛАА ҚИЛГАН?

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида уч ёшда эканлигида ўз даврининг машҳур суфий ва файласуф шоири Қосим Анворнинг тасаввуфий руҳдаги газалини ёд олганлигини ёзди:

**“Риндему ошиқему жаҳон сўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок?”**

Бу фақир аввал назмеким ўрганибмен, бу сўнгги матлаъдур. Ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқумоқ таклифи қилиб, баъзе ҳайрат изҳор қилдилар...

Кичик ёшидаёқ “Гулистон”, “Бўстон” асарлари билан бирга, “Мантқиқ ут-тайр”дек фалсафий асарнинг мутлоаасига киришади.

...Насрдин баъзи ўқур ҳам дoston,
Бу “Гулистон” янглигу ул “Бўстон”.
Менга ул ҳолатда таъби бул ҳавас,
“Мантқиқ ут-тайр” айлаб эрди мутламас.

Китобга бўлган меҳрнинг эрта уйғониши ўз самарасини бермай қолмаслигини Алишер Навоий даҳоси исботлаб турибди.

Ҳазрат Навоий олти ёшда эканлигида Тафот шаҳрида “сохибкамоллиги олам аҳли қошида мусаллам” бўлган Шарафиддин Али Яздийнинг муборак дуоларига сазовор бўлган. “Мажолис ун-нафоис” асарида Навоий бу улуг инсоннинг “Қасидаи Бурда”, “Асмоуллох” шарҳлари, “Зафарнома” тарихи, муаммо фани таҳлилига бағишланган “Хулал”, “Мунозара”, “Мунтахаб” асарларини келтириб ўтади. Бўлажақ шоирнинг олти ёшида туғилган “не киши экандурлар” саволи Шарафиддин Али Яздийнинг асарлари мутлоааси жараёнида ечилган ва муборак дуо ҳам шундан кейин ўз ижобатини топган. Алишер Навоий ўз ҳаётида муҳим ўрин тутган инсонларга бағишлаб махсус ёдномалар яратганки, бунга туртки ҳам бево-сита уларнинг асарлари ёки ўқиган ки-

тоблари ва улар орқали орттирган илмлари дегингиз келади. Навоий ҳаётида устоз, пир, ижодий ҳамкор, самимий дўст сифатида улуглаган Абдурахмон Жомийга бағишланган “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асарининг иккинчи ва учинчи мақолатлари ҳамда хотима қисми фақат китоб билан боғлиқ. Иккинчи мақолатда икки буюк сўз соҳибининг бири иккинчисидан таъсирланиб яратган асарларига бағишланса, учинчи мақолатда Жомийнинг ўттиздан орттиқ асарлари таснифига сабабчи бўлганлигини камтарона тарзда келтириб ўтади. Ибратлиси шуки, хотимада келтирилган асарларнинг барчасини Навоий Жомий ҳузурда мутлоаа қилган. Буни асарда алоҳида эътироф этиб ёзди: “ул кутуб-у расоил бобидаким, бу фақир алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен...”

Ҳазрат Навоий ўқиган китоблар ва уларнинг муаллифлари рўйхатини давом эттирганимиз сайин бу улуг инсоннинг бутун умри давомида китобга ошно тутинганлигига ғувоҳ бўламиз.

Зеро, улуг шоир яратган бой илмий, бадиий, фалсафий асарларнинг умр-боқийлигида у мутлоаа қилган асарларнинг ўрни беқиёс.

Мунира ХУДОЁРОВА,
Навоий давлат педагогика институти
таънч докторанти.

ШОИР ОРЗУ ҚИЛГАН КОМИЛЛИК ЙЎЛИ

Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати марказий аппаратида бўлиб ўтди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор М. Хожиматов, Ўзбекистон халқ артисти Е. Аҳмедов ҳамда бошқалар юксак маънавият, дид ва эътиқод фалсафаси, баркамолликка интилишнинг ойдин йўли сифатида буюк бобомиз Алишер Навоийнинг беназир шаҳси, бетақорор ижодини ўрганиш бугунги кунимиз учун гоятда долзарб эканини таъкидлади.

— Ҳазрат Навоий асарларида инсонни севиш, қадрлаш, меҳр-оқибат кўрсатиш, саховатпешалик, миллатлараро бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, элга наф етказишни олий саодат, деб билиш асосий ғоялардан-дир, — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзои Абдумурод Тилавов. — Етук одоб-ахлоқ соҳиб бўлиш, жами эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму ҳунарларини ўзлаштириш, доимо элу юрт хизматига шай туриш, ҳалол ва пок яшаш, Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини ҳамма нарсадан устун қўйиш шоир орзу қилган комиллик йўлидир. Буюк мутафаккирининг асарлари неча асрлардан буён бутун дунё халқлари томонидан катта иштлиқ ва меҳр билан ўрганиб келинаётгани шундан.

Анжуманда башарият эъзозидagi шоир газаллари ва ҳикматларидан намуналар ўқилди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МУДДАТЛИ «ЯНГИ МАҚСАД» ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

омонат муддати – 370 кундан 550 кунгача;

фоииз ставкasi – йиллик 23%.

Омонатга ҳисобланган фоиизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+998) 78-150-93-39, 78-150-72-58 www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Йирик ва кичик корхоналар раҳбарлари диққатига!

«PGS» корхонаси инновацион технология асосида ишлаб чиқарилган, энергия тежамкор, кафолат муддати узок ҳамда кафолат муддатидан сўнг хизмат кўрсатиш мавжуд бўлган маиший ва саноат иситкичларини таклиф қилади.

ISITKICHLARI

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. Tel.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53. www.pgs.uz

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАР ҚИЛАДИ.

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган манзили: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта: info@nbu.uz ва webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2020 йил 27 февраль, эрталаб соат 9.30, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2020 йил 24 февраль.

Кун тартибига киритилган масалалар:

1. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш тўғрисида.
2. Банк кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар ўринини қошлаш ҳақи ва тўловларнинг миқдорларини белгилаш тўғрисидаги Низомни (Сиёсатни) тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорларни ахборот (материаллар) билан таништириш: банк сайти, хат ва электрон хат (е-хат) орқали.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибона 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6